



---

**THE ROLE OF PERSONALIZED EDUCATIONAL TECHNOLOGY IN THE  
FORMATION OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF NURSES**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10264825>

**Haydarova B.A.**

*e-mail: buzulayho.haydarova.73@mail.ru*

*Fergana Public Health Medical Institute*

**ABSTRACT**

Globalization processes that have occurred in recent years are rapidly entering the field of education, the abundance of information and innovative technologies, in turn, require changes in the content of education. This article reveals the nature and possibilities of personalized education in the education of students studying medicine, including higher education nurses. In particular, the possibilities and positive implications of using individual-oriented education for the training of medical personnel have been revealed.

**Key words**

personnel training, education, person-oriented education.

**ҲАМШИРАЛАРНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШДА ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЎРНИ**

**Хайдарова Б.А.**

*e-mail: buzulayho.haydarova.73@mail.ru*

*Фаргона жамоат саломатлиги тиббиёт институти*

**АННОТАЦИЯ**

Охирги йилларда юзага келган глобаллашув жараёнлари таълим соҳасига ҳам жадал суръатлар билан кириб келмоқда, ахборот маълумотларининг кўплиги, инновацион технологияларнинг ўз навбатида таълим мазмунида ўзгаришлар киритилишини тақозо қилмоқда. Мазкур мақолада тиббиёт йўналишида таълим олаётган, жумладан олий маълумотли хамширалар йўналиши, талабаларни ўқитишда шахсга йўналтирилган таълим моҳияти ва имкониятлари очиб берилган. Жумладан, шахсга йўналтирилган таълимни тиббиёт кадрларни тайёрлаш учун қўллаш имкониятлари ҳамда ижобий таъмонлари очиб берилган.

**Калит сўзлар**



кадрларни тайёрлаш, таълим, шахсга йўналтирилган таълим.

## АННОТАЦИЯ

Процессы глобализации, произошедшие в последние годы, стремительно входят в сферу образования, обилие информационных и инновационных технологий, в свою очередь, требуют изменений в содержании образования. В данной статье раскрываются сущность и возможности персонализированного обучения в обучении студентов медицинских специальностей, в том числе медицинских сестер высшего образования. В частности, раскрыты возможности и положительные стороны использования личностно-ориентированного образования для подготовки медицинских кадров.

### Ключевые слова

подготовка кадров, образование, личностно-ориентированное образование.

**Кириш.** Жаҳон таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган креатив таълим технологиялари ўқув жараёнига татбиқ этилган. Жанубий Кореяда ўтказилган Халқаро таълим форумида 2030 йилгача қабул қилинган дастури «Инчэон декларацияси»<sup>1</sup>да «таълим сифатини баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш, эришилган натижаларни аниқлаш имконини берувчи механизмларни амалиётга жорий этиш» деб эътироф этилган. Шунингдек, фан ютуқларини ўқув жараёнига сингдириб бориш, йирик лойиҳаларни таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида амалга ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг долзарблигини фан, маданият ва маърифат масалалари бўйича БМТ таркибидаги нуфузли бўлим - ЮНЕСКО томонидан ҳам тан олинган ва бу ташкилот комиссияси томонидан ишлаб чиқилган «XXI аср таълим концепцияси»нинг асосида ҳам шахсга йўналтирилган таълим принциплари баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сонли қарори, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича чопа-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сонли «Тиббиёт ва фапматсевтика

<sup>1</sup> Incheon declaration // Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015. Incheon, Republic of Korea). – 48 p.



таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2020 йил 7 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4666-сонли қарори қабул қилингандан сўнг, янги ташкил қилинган тиббиёт техникумлари учун янги, замонавий дарсликлар ва ўқув адабиётлари яратиш эҳтиёжи келиб чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертатсия муайян даражада хизмат қилади.

**Мавзунинг долзарблиги.** Дунёнинг халқаро илмий марказларида жаҳон андозаларига мос компетентли мутахассислар тайёрлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, мазкур тадқиқотлар асосида таълим жараёнида шахсга йўналтирилган ёндашувдан фойдаланиш имкониятлари таълим сифати ва самарадорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бунда олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини шахсга йўналтирилган таълим асосида шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган илмий изланишлар натижасида Ҳамширалик иши фанини ўқитишда янги педагогик технологиялар асосида чуқур билим бериш ва ўргатиш, талабалар илмий дунёқарашини кенгайтириш ҳамда Ҳамширалик иши мутахассисларини муаммоли вазиятларда мустақил фикрловчи, ижодий фаолият юрита оладиган, ижодкор мутахассисларни креативлик асосида тайёрлашнинг аҳамияти долзарб ҳисобланади. Бу эса шахсга йўналтирилган таълим технологияларидан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш зарурлигини тақозо этади.

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири бу хорижий тажрибалар асосида юқори самарали педагогик технологияларни татбиқ этиш ҳамда инновацион жараёнларни қўллаб-қувватлаш орқали таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини юқори даражага кўтаришдир. Олий тиббий таълим жараёнига кредит модул тизимини жорий этишнинг асосий талабларидан бири талаба (шахс)га йўналтирилган таълимни ташкил этишдир. Бу таълим тизими талабаларда мустақил фикрлаш, ўз билиминини бошқалар билан улашиш, ўзи учун қарор қабул қила олиш салоҳиятларини шакллантиришга йўналтирилади. Республикада ишлаб чиқилган олий таълим тизимини 2030 йилгача



ривожлантириш концепциясида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий – ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичларга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида “Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган таълим тизимида босқичма-босқич ўтиш”<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар ечими тиббий таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган таълимнинг ўзига хос хусусиятлари борасида талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантириш методикасини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунга қадар шахсга йўналтирилган таълим муаммоси сифатида ҳам маҳаллий, ҳам хорижий олимлар кенг тадқиқ этилган бўлса-да, уни айнан тиббий таълимда қўллаш, ўзлаштириш ва ўқитишнинг педагогик шартлари, технологияларини такомиллаштириш хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш эътибордан четда қолмоқда. Айнан тиббий таълимда шахсга йўналтирилган таълим методик-дидактик асос ва технологияларини тадқиқ этиш, уни такомиллаштириш зарурати мавзунини долзарблигини белгилаб берди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, олиб борилган тадқиқот ишлари шахсга йўналтирилган таълим технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш, талабаларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришга оид бўлиб, уларда тиббий таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида талабалар касбий компетентлигини шакллантиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари ўқув жараёнига татбиқ этиш муаммоларига эътибор қаратилмаган. Бу компетентли мутахассис тайёрлаш тизимида ҳамширалик иши фанини ўқитишда шахсга йўналтирилган таълим технологияларини қўллаш орқали талабалар касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларини атрофлича тадқиқ этишни тақозо этади.

Бир қатор тадқиқотчилар томонидан шахсга йўналтирилган таълим технологиясини самададорлиги ва мониторинги доирилмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, ушбу таълим технологияларининг мукаммаллашиб бориши шароитида мазкур йўналишнинг тиббий таълимда методик

<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони.



таъминотини такомиллаштириш технологияси масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

**Адабиётлар таҳлили.** Республика ва хорижий, МДХ мамлакатларда шахсга йўналтирилган ёндашув асосида таълим тизимини ривожлантиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. И.С.Якиманскаяларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Хорижий мамлакатолимлари W.Далтон, БечИван, Безугла Марина, Наш Роберт Ж., Рооф, Ваде Сларк, В.Лаппо, В.Дал, В.Франкларнинг илмийишларида шахсга йўналтирилган таълим муаммоси ёритиб берилган. К. Роджерс, Ж.Равен, В. Кларин, А. Маслоу, Д.Бруно, З.Фрейд, А.Реан каби олимлар томонидан шахсга йўналтирилган таълимнинг мазмун-моҳияти ҳамда компетенциявий ёндашувнинг аҳамияти ёритиб берилган. С.Андерсон, Б.Блум, Н.Гронлуд, Л.Хоффманн, Л.Кронбач, Р.Линн, Р.Стиггинс, Ҳ.Юлеква бошқалар шахсга йуналтирилган таълимнинг имкониятлари ва самарадорлиги тўғрисида ўз фикрини билдирган.

Ўқувчи ёшларда маънавий маданиятни шакллантиришнинг фалсафий, ижтимоий-антропологик масалалари Ж.Базарбаев, А.Бегматов, М.Каххарова, А.Маврулов, Ж.Туленов, Г.Туленова, Э.Юсупов, О.Ғайбуллаевлар томонидан тадқиқ этилган. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари Н.Азизходжаева, Н.С.Сайидахмедов, Н.Н.Индиаминов, Р.Ишмухамедов, Р.Мавлоновлар тадқиқот ишларини олиб боришган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида технологик ёндашув, педагогик технология тушунчаси бўйича Н.Е.Эрганова, Н.В.Матяш, М.Н.Гуслова, Ю.В.Атемаскина, Л.Г.Богословец, Д.А.Белухин, А.А.Факторович, Д.В.Чернилевскийлар, шахсга йўналтирилган таълим технологиялари В.В.Давыдов, А.А.Плигин, И.М.Максименко, И.С.Якиманскаялар, С.Багаева, А.Бахмутский, И.Белевцева, Е.В.Бондаревская, И.Гальмукова, С.В.Кульневич, А.Макаров, А.Майоров, С.Хохлова, Ф.Т.Фоменко, И.С.Якиманская шахсга йуналтирилган таълимнинг имкониятлари ва самарадорлиги тўғрисида, С.Бондеровская, И.Зимняя, А.Хуторской, В.Сериков, Н.Алексеевлар томонидан шахсга йўналтирилган ёндашув асосида компетентлиликни шакллантириш муаммолари борасида, В.Кларин, Н.Унт, В.Кукушкин каби олимларнинг тадқиқот ишларида янги материалларни замонавий педагогик технологиялар асосида ўқув жараёнига тадбиқ этиш бўйича тавсиялар берилган.

Мамлакатимиз педагог олимларидан Б.Р.Адизов, Б.Маъмуров, С.Нишанова, Р.Ф.Сафарова, Э.А.Сейтхалилов, К.Ҳошимов, Ф.Р.Юзликаев, Э.Юзликаева ва бошқалартомонидан шахсга йуналтирилган таълимни ривожлантиришни ташкил этиш мониторингини амалга ошириш юзасидан,



тиббиёт олий ўқув юртларида талабаларни касбий компетентлигини методик такомиллаштириш бўйича М.Р.Кадирова, Ш.П.Эргашевалар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Шу билан бир каторда С. Болтабоев, Р.Ишмухаммедов, М.Юлдошевлар мустақил иш бўйича, М.Тожиев, Н.Муслимов, Ў.Толипов, М.Усмонбоевалар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида педагогик технологияларни қўллаш орқали талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш муаммолари ўз аксини топган.

**Тадқиқотнинг мақсади** – тиббий таълим талабаларини касбий фаолиятга тайёшлашда шахсга йўналтирилган таълим орқали ҳамширалик иши фанини ўқитишнинг методик таъминотини такомиллаштириш технологияси бўйича услубий ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан ибобат.

**Тадқиқотнинг вазифалапи:**

1. тиббий таълим талабаларини касбий фаолиятга тайёшлашда шахсга йўналтирилган таълимнинг назарий – методологик асосларини ёпитиш;
2. тиббий таълим талабаларини шахсга йўналтирилган таълим орқали ҳамширалик иши фанини ўқитишда методик таъминотини такомиллаштириш;
3. замонавий таълим жапаёнида бўлажак тиббиёт ходимларини билим даражаси сифатини ошириш услубларини такомиллаштириш ва жопий қилиш;
4. тиббий таълим талабаларини касбий фаолиятга шахсга йўналтирилган таълим бўйича ўқув қўлланмалап ва амалий лойиҳалап бўйича тавсиялап ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** тиббий таълим талабаларини ҳамширалик иши фанини шахсга йўналтирилган таълим технологиларини қўллаб ўқитиш жараёнидаги танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг ппедмети:** тиббий таълимда талабаларни касбий фаолиятга тайёшлашда шахсга йўналтирилган таълим орқали ҳамширалик иши фанини ўқитишдаги методик таъминотини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг предмети:** тиббий таълим талабаларини ҳамширалик иши фанини ўқитишда шахсга йўналтирилган таълим технологиларини ривожлантириш тизимини шакл, метод ва воситалапи.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Тадқиқот жараёнида кўзланган мақсадга эришиш ва қўйилган вазифалар эчимини топиш учун имитатсион таълим технологияларини ривожлантириш бўйича кузатиш, материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш; сотсиологик тадқиқот, сўровлар (ёзма ва оғзаки),



анкета сўровномаси; педагогик тажриба-синов, тажриба-синов натижаларини математик статистика методи ёрдамида таҳлил қилиш усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқот методологияси.** Бу турдаги таълим талабаларда мустақиллик, ташаббускорлик жавобгарлик каби сифатлар, шунингдек, мустақил, ижодий ва танқидий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга хизмат қилади. Бу турдаги таълимни ташкил этишда педагоглардан ҳар бир талаба имкон қадар индивидуал ёндашишни, унинг шахсини ҳурмат қилишни, унга ишонч билдириш тақозо этилади. ҳамда ўзаро ҳамкорликда билим олиш учун қулай педагогик шароитни яратиш заруриятини ифода қилади. Шу билан бир каторда Ўзбекистон шароитида ўрта маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш мезонлари таҳлил қилинди ва олий таълим сифатини яхшилаш бўйича турли ёндошувлар ўрганилди.

#### **Таҳлиллар ва натижалар.**

Замонавий шароитда талабаларнинг ўқитиш сифатини ошириш мақсадида инновацион таълим шаклларида фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда.

Шундай таълимлардан бири бўлган шахсга йўналтирилган таълим талабанинг иқтидорини очиб беришда муҳим аҳамиятга касб этмоқда. Анъанавий педагогик технологиялардан фарқли равишда шахс йўналтирилган таълим технологиясининг марказида ҳар-хил вазиятларда қарорларни мустақил, ностандарт фикрлаш фазилатларга эга талаба шахси туради.

Шахсга йўналтирилган таълим қуйидаги хусусиятларга эга:

- талабаларнинг мустақиллигини таъминлайди;
- талабаларнинг мавжуд билим ҳамда салоҳиятларига, тажрибаларига ишонч билдиради;
- талабаларнинг ижтимоий хусусиятлари ва турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда ўзлигини намоён қилиш имкониятларини яратади варағбатлантиради;
- талабаларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув кўникмаларини мақсадли шакллантириш имконини яратади.

Ўтказилган изланишлар натижалари асосида шахсга, жумладан беморга йўналтирилган тиббий таълим - беморни ўқув жараёнининг марказига қўядиган ва талабаларни таълимнинг барча жабҳаларида беморни ҳисобга олишни талаб қиладиган тиббий таълимга сифатида ёритишга ҳаракат қилдик. Ўқув режасига киритилган мавзулар беморларга энг зарур бўлган билим, кўникма ва муносабатларни, жумладан, шифокор ва бемор мулоқоти



каби соҳаларни; ахлоқ ва касбий хулқ-атвор; ва бемор хавфсизлигини ўз ичига олган.

Беморга йўналтирилган тиббий таълимни рағбатлантирадиган усуллар сифатида муаммога асосланган таълимни ёки уларни даволаш билан боғлиқ шахсий ёки ижтимоий муаммоларни аниқ ўз ичига олган бошқа ҳолатларга асосланган ўрганиш стратегияларини ўз ичига олган ёндошувларга таяндик.

Ҳозирги халқаро таълим талаблари олий тиббий таълим соҳасидаги мутахассислар мақсад-малакали, малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш, психологик ва ижтимоий ваколатли шифокорлар ва ҳамшираларни тайёрлашга қаратилиши лозим.

Демак компетенцияга асосланган ёндашув – бу ёндашув, таълим натижасига ва сифатига эътибор қаратиш натижа ўрганилган маълумотларнинг йиғиндиси сифатида эмас, балки ўрганиш натижасида кўриб чиқади. Соғлиқни сақлаш мутахассисининг турли хил шароитларда ҳаракат қилиш қобилияти, муаммоли вазиятлар, унинг ваколатлари ва вазифаларни бажаришга тайёрлиги ҳаёт ва профессионал функцияларнинг тўлиқ доираси ва эркин гуманистик йўналтирилган танловни амалга ошириш имконини яратади.

Шуларни инобатга олиб талабаларнинг мустақил ишларига қўйиладиган замонавий ғоялар, мустақил иш шакллари, турлари ва турларининг ўзига хос мазмунида мужассамланган ўқув ва когнитив вазифаларнинг хусусиятлари билан белгиланадиган ўзига хос педагогик қурилиш сифатида кўриб чиқишга имкон беради. Мустақил ишни билимларни оқилона ўзлаштириш ва чуқурлаштириш, асосий компетенцияларни ривожлантириш ва талабаларни фаоллаштириш воситаси сифатида ҳам талқин қилиш мумкин.

Янги таълим стандартларида мажбурий деб эълон қилинган ва маълум миқдордаги ўқув юки билан таъминланган талабаларнинг мустақил иши бугунги кунда педагогик ёрдам ва услубий ёрдамга муҳтож. Шу муносабат билан талабаларнинг ушбу иш тури ўқитувчининг ташкилий роли билан боғлиқ бўлиши керак, бу талабанинг мустақил фаолияти жараёнини доимий мониторингини назарда тутати. Тўғри ташкил этилган мустақил иш, албатта, ортиб бораётган мураккаблик ва меҳнат зичлиги билан бирга келади, бу унинг ривожланаётган табиатини таъминлайди.

Талабалар учун мустақил ишни қанчалик зарурлиги ва самарадорлигини аниқлаш учун ҳамда шахсга йўналтирилган ўқитиш тизимини турли жабҳаларини ривожлантириш учун биз талабалар ўртасида сўровнома ўтказдик.



Олий маълумотли хамширалар факультетида таълим олаётган талабалар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра мустақил иш шакллари танлашда қуйидаги имтиёзлар иерархияси аниқланди: визуал материаллар билан ишлаш – 72,9%; ишлаб чиқариш амалиёти – 60,2%; беморлар билан бевосита мулоқот – 49,5%.

Талабалар концепциясида мустақил иш уч хил бўлиши мумкин: ўқитувчининг иштирокисиз бажарилади, лекин унинг вазифасига кўра – 40%, мустақил равишда ўқитувчи назорати остида – 31% ёки ўқитувчининг маслаҳатисиз мустақил таълим фаолияти шакли сифатида – 29%.

Талабаларнинг фикрига кўра, тақлиф этилаётган тадбирларнинг ҳар бири мақбулдир, аммо уларнинг аксарияти (66,4%) ўзларига аниқ юкланган вазифаларни мустақил равишда бажаришни хошлашади.

Талабаларнинг самарали мустақил иши энг муҳим рағбатлантирувчи омиллардан бири сифатида ўқитувчи назоратини талаб қилади – бу респондентларнинг 38% фикри.

Маърузалар, семинарлар ва амалий машғулотларни ўтказишнинг тасдиқланган усулларида амалга ошириладиган муваффақиятли таълим фаолиятини ташкил этишга ўрнатилган анъанавий ёндашув ҳамшираларни тайёрлаш даражасига қўйиладиган талабларга жавоб беради. Бироқ, баъзи талабалар (24%) самарали мустақил ишларни ташкил этишни ўқув жараёни сифатини ошириш учун муҳим захира деб билишади.

Респондентларнинг аксарияти (54%) фикрига кўра, ўқитиш шакллари ва усуллари такомиллаштириш, замонавий ахборот технологияларидан кенгрок фойдаланиш керак – 31%.

Мустақил ишларни муваффақиятли ташкил этиш учун талабаларнинг 88,2% ўқув ва услубий материаллар билан етарли даражада таъминланганлигига тўхталиб ўтди. Мустақил ишларни бажаришда талабалар маъруза материаллари – 69,5%, тавсия этилган дарсликлар – 72% ва ўқитувчиларнинг услубий ишланмалари – 47,8% каби анъанавий билим манбаларидан фойдаланишни афзал кўришади.

Талабаларнинг фикрига кўра, мустақил иш самарадорлигини ошириш учун қуйидагилар зарур:

- ўз-ўзини тарбиялаш фаолиятини – 64,2%;
- мустақил иш учун қўшимча ажратиш ва унга амал қилишни ошириш – 40,1%;
- ўз-ўзини ўқитиш жараёнида ундан самарали фойдалана олиш – 41,8%.



Шуни таъкидлаш керакки, сўровномада иштирок этган талабаларнинг аксарияти (88,7%) мустақил иш учун ажратилган вақтдан оқилона фойдаланган ҳолда ўз билимларини доимий равишда оширишни хошлашади.

Мустақил ишдаги қийинчиликларни енгиш учун талабалар ўзларининг саъй – ҳаракатлари ва қатъиятлилигига – 70% ва ўқитувчиларнинг ёрдамига – 51% катта аҳамият беришади.

Мустақил иш натижасида тиббий ходим касбий муҳим фазилатларини шакллантириш мумкинлигига 83% талабалар ишонади, шунингдек, уларнинг кейинги илмий ва амалий фаолияти соҳасини мақсадли равишда аниқлайди.

Сўров натижалари талабаларнинг мустақил ишларини ўтказиш ва оқилона режалаштиришнинг самарали шакллари ва усулларини ишлаб чиқишда муҳим асосни ташкил этиш мумкин.

Агар биз талабаларнинг мустақил ишларини кенгрок кўриб чиксак - таълимнинг дидактик шакли сифатида, талабаларнинг ўқув фаолиятини ўз-ўзини бошқаришни таъминлайдиган кенг педагогик шароитларни ташкил этиш тизимини ярата оламиз.

Соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг замонавий концепциясида "Ҳамширалик иши" мутахассислиги бўйича олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Олий ҳамширалик иши факультети мутахассис ҳамшираларни тайёрлаш билан биргаликда ҳар қандай даражадаги ҳамширалик хизматида раҳбарлик қила оладиган мутахассисларни тайёрлашнинг асосий вазифасига эга, шунингдек тиббиёт техникумлари ва коллежларида мустақил равишда ўқув ишларини олиб борадиган мутахассисларни тайёрлаш муҳим вазифаларидан бирдир. Бу унинг битирувчиларига чуқур клиник тайёргарликдан ўтишни таъминлаш лозимлигини билдиради.

Асосий клиник фанлар бўйича олий маълумотли ҳамшира дипломига эга бўлган ҳамширалар учун амалдаги намунавий ўқув дастурларининг таҳлили шуни кўрсатадики, улар ўрта махсус маълумотли ҳамширалар учун ўқув дастурларининг мазмунини кўп жихатдан такрорлайди ва фақат асосий касалликлар ва жароҳатларни ташхислаш ва даволашда синдромли ёндашув билан чекланади. Юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда, биз Фарғона, Андижон ва Тошкент шаҳар тиббиёт Олий ҳамширалик иши факультетлари ўқитувчилари ходимларининг узок йиллик тажрибаси асосида ўқитиш мазмунининг янги концепциясини ва Олий ҳамширалик иши таълимига эга ҳамшираларни клиник тайёрлаш учун ўқув дастурини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик.



Нозологик ёндашув асосида клиник фанларни ўқитишнинг таклиф этилаётган концепцияси келажакдаги ҳамширалик бакалаврларига беморни тўғридан-тўғри текширишнинг барча усуллари ва клиник фикрлашнинг дастлабки кўникмаларини тўлиқроқ ўзлаштиришга, кўшимча тадқиқотлар натижаларини малакали баҳолашга ва этиология, патогенез, клиникасини билиш билан биргаликда беморларга ҳамширалик жараёни асосида беморларга ҳамширалик ташхисини кўя олишни ва янги инновацион ёндашувлар асосида парваришлаш ишларини олиб боришлари учун имкон беради.

Мавжуд олий тиббий таълим тизимининг муаммоларидан бири шундаки, ушбу тизимда ханузгача ахборот парадигмаси устунлик қилмоқда, унинг вазифалари асосан талабаларга маълумот ва билимларни оддий узатишни ўз ичига олади. Таълим тизимининг асосий мақсадларидан бири кўпинча жамият учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнининг малакали иштирокчисини тайёрлашдир. Шахснинг бошқа барча потенциал қобилиятлари, шу жумладан ижодий қобилиятлари талаб қилинмайди. Натижада, етарли даражада ривожланмаган ижодий фикрлашга эга бўлган битирувчи кейинчалик доимий равишда мураккаблашиб бораётган маълумотларни идрок этишда, ностандарт вазиятларда қарор қабул қилишда кийинчиликларга дуч келади ва одатдагидан бир оз фарқ қиладиган тушунчалар ва ходисалар ўртасидаги боғлиқликни англай олмайди.

Шунинг учун таълим муассасаларига маълумотни ўзлаштиришга асосланган ўқувчиларнинг ижодий ва стандарт бўлмаган тафаккурини ривожлантириш мураккаб ва долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Ижодкорликни шахсий ва нафақат хулқ-атвор мулки сифатида шакллантириш учун махсус ташкил этилган таълим муҳити талаб қилинади. Ижодкорликни ривожлантиришнинг "маҳаллий"усуллари (масалан, ностандарт вазифаларни ҳал қилиш), албатта, фойдали, аммо уларни қўллаш натижасида талабалар шунчаки ҳал қилишнинг янги усуллари ёдлайдилар ва кейинчалик ўрганилган ҳаракатларни такрорлайдилар. Шунинг учун ижодкорликни шахсий мулк сифатида шакллантириш талабаларга кўп киррали тизимли таъсир кўрсатадиган махсус муҳитни талаб қиладди.

Ва ниҳоят, талабаларни баҳолаш ва ўқув дастурини баҳолаш ўқув дастури асосида беморга йўналтирилган ўқув мақсадлари билан боғлиқ натижаларни мунтазам равишда кўриб чиқиб қуйидагиларни таклиф қилдик.

**Муаммоли ўрганиш.** Муаммога асосланган таълим - ўзида мужассам этган асосий йўналишларни бир шаклидир. Бу усулдан таълим учун бошланғич нукта сифатида фойдаланиш мумкин, яъни:



1. Кичик гуруҳларда ҳамкорлик қилиш.
2. Мослашувчан репетитор раҳбарлиги.
3. Маърузалар сонининг чекланганлиги.
4. Таълим талабанинг ташаббуси билан бошланиши керак.
5. Мустақил ўқиш учун етарли вақт.

Бу йўналишлар имкониятни таъминлаш учун беморлар соғлиғига таъсир қиладиган биологик, клиник, демографик ва хулқ-атвор муаммолари ҳақида талабаларга ғамхўрлик қиладиган жозибали ҳикоя ва персонажларни яратишдан иборатдир. Яъни дарс жараёни диалог сифатида моделлаштиради. **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

Ҳамширалик иши фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари асосида шахсга йўналтирилган омилларни (шахсга йўналтирилган ёндашув, шахсга йўналтирилган таълим, шахсга йўналтирилган ўқитиш ва шахсга йўналтирилган технология) ўқув амалиётига жорий этиш йўллари ишлаб чиқилган;

Ҳамширалик иши фанини ўқитиш жараёнида шахсга йўналтирилган технология (шахсий инсонпарварлик, лойиҳалаш, муаммоли ўқитиш, эвристик)лар ва замонавий усуллар (эркин фикрлаш, танқидий тафаккур, ижодий изланиш, мулоқот, диалог) ни қўллашнинг назарий-амалий асослари, ҳозирги ҳолати таҳлиллари асосида, улардан фойдаланишнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари, мазмуни ва методлари, ўзига хос хусусиятлари (талабанинг индивидуаллигини ошириш, шахс сифатида ривожланиши, ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилганлиги) аниқланиб, такомиллаштирилган;

-шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар асосида Ҳамширалик иши фанини ўқитишда талабалар ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришга мотивация берувчи шахсга йўналтирилган дарсларни лойиҳалаш бўйича ишланмалар, умум ўқув кўникма ва малакалар (ўқув-ташкилий, ўқув-ахборот, ўқув-интеллектуал)ни оширишга имкон берувчи дидактик муаммоли топшириқлар тизими ишлаб чиқилган;

-талабаларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш мақсадида “шахс фаолиятига йўналтирилган (фаолият мақсади, мазмуни ва уни ўзлаштириш усуллари, фаолият хусусиятлари ва функциялари, шахс тажрибаси ва сифатлари, эгалланадиган компетентция компонентлари ҳамда фаолият натижалари ўз аксини топган) модел” ишлаб чиқилган. -тиббий таълимда шахсга йўналтирилган тизимли модел таълим технологиялари ҳамкорликда ўқитиш, гуруҳда мунозара, Куб, Ўтмиш , бугун,



келажак методи, қиёсий тахлил, ролли ўйинлар каби инновацион таълим технологиялари асосида такомиллаштирилган;

**Хулоса.** Олиб борилган изланишларга асосан қуйидаги хулосага келдик. Шахсга йўналтирилган таълим талаба шахсидаги мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарликни ҳис этиш, танқидий фикрлаш каби сифатларини тарбиялайди. Бу эса ўз навбатида таълим сифати ва самарадорлигини оширади.

#### **Адабиётлар.**

1. Бурханова Г.Т., Варга В. Шахсга йўналтирилган таълим. Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент.,2014, 320 б.
2. Ахунова Г.Н., Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларнилояихалаштириш ва режалаштириш. / Б.Ю.Ходиев тахрири остида. – Тошкент.: «Иқтисодиёт»,2009, 45 б.
3. Основы личностно-ориентированного образования. / И.С.Якиманская. – Москва: «Бином. Лаборатория знаний», 2011, 238 с.
4. Диканская Н.Н. Оценочная деятельность как основа управления качеством образования // Стандарт и Мониторинг в образовании.2003. – № 3. – с. 38–42.
5. Методические рекомендации по проектированию оценочных средств для реализации многоуровневых образовательных программ ВПО при компетентностном подходе / В.А. Богословский, Е.В. Караваева, Е.Н. Ковтун, О.П. Мелехова, С.Е. Родионова, В.А.Тарлыков, А.А. Шехонин. – Москва.: Изд-во МГУ, 2007. –148 с.
6. Коломиец О.М. Технология развития педагогической деятельности в образовательном учреждении / Вестник МГГУ им. М.А. Шолохова. –2011. –Вып. 4, серия «Педагогика и психология». – с.15–9.
7. Коломиец О.М., Фокина М.А., Бутыльченко О.В. Модель методическойподготовки преподавателя высшей медицинской школы в системе дополнительного профессионального образования. Электронный научно-образовательный Вестник «Здоровье и образование в XXI веке». –№ 1, 2013. –Т. 15. – с.14–8.
8. Формирование системного мышления в обучении / Под ред. З.А. Решетовой. –Москва., 2002. –39 с.
9. Михайловский М.Н. Особенности социально-психологических компетенций/Актуальные вопросы современной психологии и педагогики: Сборник докладов XII-й Международной научной конференции (Липецк, 28 декабря 2012 г.).



10. Горленко О.А., Мирошников В.В., Кукареко А.Н. Формирование профессиональных стандартов в области качества на основе компетентностных моделей // вестн. БГТУ. – 2010. – №3(27). – с.91-98.

11. Пьяных А.В., Бурковская Ю.В. Профессиональные и образовательные стандарты: взаимодействие, перспективы и развитие на примере программ для бакалавров сестринского дела // Стандартизация в здравоохранении. 2013. – №7-8. – с.3-7.

## THE ROLE OF PERSONALIZED EDUCATIONAL TECHNOLOGY IN THE FORMATION OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF NURSES

Buzulaikho Haydarova

**Fergana Public Health Medical Institute**

**e-mail: e-mail: buzulayho.haydarova.73@mail.ru**

One of the main directions of reforming the education system in our republic is the implementation of highly effective pedagogical technologies on the basis of foreign experiences and raising the quality of education and personnel training to a high level by supporting innovative processes.

Nowadays, systematic thinking has become the need of the hour, and the proposed approaches, as a rule, are presented in departments in different departments of the educational system. There is insufficient attention to the systematization of the material received in the educational process, the system-forming relations between didactic units in the study of both theoretical and clinical sciences.

Mastering the profession of a medical worker in medical schools begins with learning and memorizing a large number of concepts, terms, with the study of the main theoretical subjects for the student. The acquired knowledge is continuously updated, and the student tries to find solutions to situational tasks related to practice in clinical departments. The theory of activity-based learning, which is one of the main features of the idea of connecting with thinking, determines the psychological and pedagogical characteristics, and the conditions for the formation of professional thinking consist in the organization of a certain method of mastering the educational material (certain activity-cognitive, research, etc.). For this, the search and application of new approaches to the training of independent thinking medical personnel remains one of the urgent issues.

The aim of the activities of medical schools is to introduce such approaches to the educational process. A systematic approach that enables the formation of students should include the ability to work with educational literature, analysis, use of orientation schemes in the material to be learned, synthesis of acquired



knowledge and information, and practical activities in the process of solving professional problems.

One such approach today is person-centered learning. The main direction of person-oriented education is education aimed at the development of the student's personality and abilities, taking into account the strategy of thinking and action.

This type of education serves to educate students such qualities as independence, initiative and responsibility, as well as independent, creative and critical thinking skills. In the organization of this type of education, pedagogues are required to approach each student as individually as possible, respect his personality, and show confidence in him. and represents the need to create a favorable pedagogical environment for learning in mutual cooperation. In addition, criteria for training nurses with secondary education were analyzed in the conditions of Uzbekistan, and various approaches to improving the quality of higher education were studied.

Based on the conducted research, we came to the following conclusion. Person-oriented education educates qualities such as independence, initiative, sense of responsibility, critical thinking in the student. This, in turn, increases the quality and efficiency of education.

**Key words:** personnel training, education, student-centered education

## REFERENCES

1. Burkhanova G.T., Varga V. Person-centered education. Educational and methodological complex. - Tashkent., 2014, 320 p.
2. Akhunova G.N., Golish L.V., Faizullaeva D.M. Design and planning of pedagogical technologies. / edited by B. Yu. Khodiev. - Tashkent.: "Economics", 2009, 45 p.
3. Osnovy lichnostno-orientirovannogo obrazovaniya. / I.S. Yakimanskaya. - Moscow: "Binom". Laboratory science», 2011, 238 p.
4. Dikanskaya N.N. Otsenochnaya deyatelnost kak osnova upravleniya kachestvom obrazovaniya // Standart i Monitoring v obrazovanii. 2003. - No. 3. - p. 38-42.
5. Methodological recommendations for proektirovaniyu otsenochnyx sredstv dlya realizatsii mnogourovnevnyx obrazovatelnyx programm VPO pri kompetentnostnom podkhode / V.A. Bogoslovsky, E.V. Karavaeva, E.N. Kovtun, O.P. Melekhova, S.E. Rodionova, V.A. Tarlykov, A.A. Shekhanin. - Moscow.: Izd-vo MGU, 2007. - 148 p.



6. Kolomiets O.M. Технология развития pedagogicheskoy deyatel'nosti v obrazovatel'nom uchrejdenii / Vestnik MGGU im. M.A. Sholokhova. -2011. - Vyp. 4, series "Pedagogy and psychology". - pp. 15-9.

7. Kolomiets O.M., Fokina M.A., Butylchenko O.V. Model methodical training of teachers of the higher medical school in the system of complementary professional education. Electronic scientific and educational journal "Zdorove i obrazovanie v XXI veke". - No. 1, 2013. -T. 15. – pp. 14-8.

8. Formirovanie sistemnogo mishleniya v obuchenii / Pod ed. Z.A. Reshetovoy. - Moscow., 2002. - 39 p.

9. Mikhailovsky M.N. Osobennosti sotsialno-psychologicheskikh kompetentsiy / Aktualnye voprosy sovremennoy psykologii i pedagogiki: Sbornik dokladov XII-y Mejdunarodnoy nauchnoy konferentsii (Lipetsk, December 28, 2012).

10. Gorlenko O.A., Miroshnikov V.V., Kukareko A.N. Formirovanie professionalnykh standartov v oblasti kachestva na osnove kompetentnostnykh modeley // vesti. BgTU. – 2010. – No. 3(27). – pp. 91-98.

11. Pyanykh A.V., Burkovskaya Yu.V. Professional and educational standards: interaction, perspective and development of a primer program for undergraduate nurses // Standardization and health care. 2013. – No. 7-8. – p. 3-7.